

ЎЗБЕКИСТОНДА 20-30 ЙИЛЛАРДАГИ «ХУЖУМ» ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ МОХИЯТИ

Қ.Т. Зулунов

АДУ мустақил изланувчи тадқиқотчи

Мақолада Хотин-қизлар масаласи инсоният тарихида ҳамиша ўзига хос мураккаб бўлиб келган. Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари озодлик ҳаракатлари очиб берилган.

Таянч сузлар ва тушунчалар:

Шўро ҳукумати, миллий муҳолифат, ҳужум, артеллар, катагон, радикал.

The article discusses the issue of women in the history of mankind. The life of Turkestan women reveals their rights and liberation movements.

Keywords and concepts:

Shura government, national opposition, attack, artel, catagon, radical.

В статье раскрывается жизнь женщин Туркестана, их права и освободительные движения. которая всегда была сложной проблемой женщин в истории человечества.

Ключевые слова и понятия:

Советская власть, национальная оппозиция, атака, артиллерия, катагон, радикал.

20-йиллар тарихимизга ўта мураккаб ва зиддиятли, турли ижтимоий гуруҳ ва кучлар сиёсий қарама – қаршилиги авж олган, Туркистонда Марказнинг империяча муносабатлар мустаҳкамланаётган, ўлкадаги очлик, иқтисодий танглик, вайронага айланган саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини тиклаш, яъни шўроларнинг «тинч социалистик қурилиш» йўлига ўтиш даври бўлиб киради. Ушбу даврдаги долзарб масалалардан бири бу-ҳокимият ва ижтимоий қатламлар муносабати масаласи эди. Шўро ҳукумати билан бирга миллий муҳолиф кучлар ҳам ҳокимият масаласида халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши билан бирга ижтимоий қатламлар хусусан хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг инқирози, очлик, инқилобча зўравонликнинг кучайиши маҳаллий халқ миллий манфаатларининг очикдан-очик инкор этилиши. Туркистондаги турли ижтимоий қатламлар орасида совет ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик ва норозиликни келтириб чиқарган эди. Аҳолининг аксарияти совет ҳокимиятини қизил армиячиларнинг қурол ёрдамида зўрлик билан олиб кирилган ҳокимиятни тан олмас, улар томонидан ташкил этилган советлар ва уларни ижроия қўмиталари туб аҳоли орасида обрўйга эга эмас эди. Шу билан бирга мамлакатда ижтимоий қатламларга хусусан, хотин-қизларга муносабат масалаларида шўролар аёрона сиёсат ишлаб чиққан эдилар. 20-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларни “озод қилиш” муаммоси ўйлаб топилган ва туб миллат хотин-қизларини “озод қилиш” ва уларни ҳар жабҳада эркалар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилди. Яъни хотин-қизлар фаёлиятига таъсир этишнинг мавфқуравий ва ишлаб чиқариш омиллари ташкил этилди. Маълумки хотин қизларга муносабат масаласи башарият тарихида доимо ўзига хос мураккаб ижтимоий муаммолардан бири бўлиб келган бўлсада, собиқ Иттифок тузуми даврида ўзбек хотин –қизлар аҳолига муҳим ижтимоий масала сифатида қаралмади. Совет ҳукумати ва коммунистик партия ушбу ижтимоий –сиёсий масалани ўзининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, кескин ҳал қилиш йўлидан борди. 20-йилларда республика, вилоят, туман қуйи совет ташкилотлари қошида ташкил этилган хотин-қизлар бўлимлари бу жабҳада бир қатор ишларни амалга оширди. Бу масалада йилларда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашилди, ҳар бир хонадонга кириб, тушунтириш ишлари олиб бордилар, махсус хотин-қизлар клублари, артеллар,

дўконлар ташкил этдилар. 1925 йилда “Курашчан худосизлар Иттифоқи” ташкил топди. Мазкур даврда атеизм бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилиб, маърузачилар моддий рағбатлантирилди. Советлар ўз тарафдорлари сонини ва марказнинг итоаткор хизматкорларини кўпайтириш сингари сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб, турли ғаразли мақсадлар яширинган режалар асосида ниқобланган сиёсатининг «айёрона» тадбирлари орқали фаолият олиб борди ва шу мақсадда турли қарор ҳамда кўрсатмалар қабул қилди. Хотин қизларни “Озодликка чиқариш” баҳонасида 1927 йилда республикада “Хужум” ҳаракати бошланди. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш бобида маълум маънода бу ҳаракат ижобий баҳолансада, уни ташкил этишдан кўзланган бош мақсад реакцион эди. Аввало, бу ҳаракат маҳаллий халқларнинг асрлар оша тарихан шаклланган миллий анъана ва қадриятларини менсимаслик ҳолда ўтказилди, хотин-қизларнинг аёллик кадр-қимматлари оёқ ости қилинди. Кўп ҳолларда паранжи чачвонни ташлаш зўрлик билан амалга оширилди. Иккинчидан “хотин-қизлар озодлиги” учун кураш баҳонасида ислом динига қарши кураш авж олдирилди. Чунки “хотин-қизлар озодлиги”нинг асосий душманлари қилиб ислом руҳонийлари кўрсатилди. Улуғ адиб Чингиз Айтматов “Хужум” компанияси ҳақида сўзлаб бундай деган эди: “Афсуски, давлат томонидан ўтказилган “Хужум” кампанияси ўша даврнинг оғир ҳатоларидан бири эди дейиш камлик қилади. Бу инсониятга қарши қаратилган жиноят эди. Устига-устак, илоҳий оламнинг қурилмасига қарши йўналтирилган жиноят эди. Худонинг барқарорлигини инкор этган муртадлар Худонинг вазифасини ўз зиммаларига оладилар ва “янги одам яратамиз” деб, даҳшатли ўйин бошлайдилар “Хужум” ҳаракати 1927 йил 8 мартдан бошлашга қарор қилинган бўлсада, бу жараёнга тайёргарлик ишлари анча олдиндан бошланган эди. Хотин-қизлар масаласи инсоният тарихида ҳамиша ўзига хос мураккаб муаммо бўлиб келган. Миллионлаб туркистон аёллари қисматини ўз ичига олган бу ижтимоий-сиёсий масалаларни 20 - йилларнинг 2- ярмида большевиклар ўз андозалари асосида кескин ҳал қилдилар. Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти қадимдан мусулмончилик қонуниятлари ва анъаналари асосида қурилган бўлиб совет даврида ана шу диний қадриятлар ва анъаналар “хурофат” сифатида қораланиб келинди. Анъаналаримиздаги, қадриятларимиздаги аёлларга бўлган ҳурмат ва эъзоз сифатлари мутлақо унутилди ва совет ҳукуматида аёлларни бутунлай янги авлодини уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас балки, кўпроқ жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этадиган шахслар қилиб тарбиялаш асосий вазифа қилиб қўйилди. 30 йиллар бошидан бошлаб аёллар меҳнатига муносабат тубдан ўзгарди саноатлаштиришни жадаллаштириш, социалистик муваффақиятлар ортидан қувиш аёллар масаласида ҳам ўз асоратини қолдирди. Аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли деган қоида нотўғри талқин қилиниб хотин-қизлар меҳнатда ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши керак деб талаб қилинди. 1931 йилда “Тошсельмаш” заводида 345 аёл, Тошкент темир йўлларининг “Биринчи май” устахонасида 80 нафар аёл ишлаган. 1939 йилнинг охирига келиб республика саноатидаги ишчиларнинг 41% ни хотин-қизлар ташкил этди.

Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлигига амалда эришиш, улар ижтимоий фаоллигини ошириш масаласида яна қатор камчиликлар, ҳатоларга йўл қўйилди. Бундай ҳатоларнинг энг асосийси эса Ўзбекистондаги анъанавий урф-одатлар, ўзбеклар руҳий-психологик ҳолатини ўрганилмаганлигидир. Ўлкада хотин-қизлар масаласини ҳал этишда эркаклар психологиясини ўзгартириш муҳим аҳамият касб этиши мумкинлиги эътиборга олинмади. Натижада асрлар давомида имтиёзли ўринга эга бўлган эркак ўзгарган вазиятни тасаввур этолмади. Хотин-қизлар масаласини ҳал этишда яна бир муҳим омил дин масаласи четда қолди. Тўғри, қабул қилинган қарор, кўрсатмаларда дин билан ҳисоблашиш лозимлиги таъкидланди. Аммо реал ҳаётда эса диний расм-русмлар эса инкор этила бошлади. Унинг эътиборга олинмаслиги эса хотин-қизлар масаласини ҳал этиш чоғида уларни қатағон қилиш жараёни билан қўшилиб кетди. Москванинг 1927 йил февралдаги кўрсатмасига биноан бу даврда “эски тузум”га қарши жиддий хужум бошланди. Бу нарса диндорлар, анъанавий ҳаёт тарафдорлари билан хотин-қизлар ҳаракати тарафдорлари ўртасида кучли курашнинг бошланганлигидан далолат берарди. Бундай шароитда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларни ижтимоий турмушни янгилаш мақсадида аёлларни суд, тергов органларига кенгрок жалб этиш, улардан халқ маслаҳатчилари таркибини ташкил қилишга катта эътибор берила бошлади. Агар 1926-27 йилларда Ўзбекистон бўйича 5642 хотин-қизлар халқ маслаҳатчилари бўлган бўлса, 1928 йилда улар сони 10450 тага етди. Хулоса қилиб айтганда

хотин-қизларни озодликка чиқиш жараёнини суний йўллар билан жадаллаштириш мақсадида уюштирилган “ҳужум ҳаракати” давомида ўзбек аёлларининг ўзига хослиги, уларнинг миллий ва диний анъаналари, маънавий қадриятлари ҳисобга олинмади. “Янги тузум” ҳақидаги тасаввурлар кенг халқ оммасининг ижтимоий онгида ҳали шаклланиб улгурмаган бир шароитда “Ҳужум” компанияси уюштирилди. Хотин қизларни озод этиш бўйича мамурий тазйиқ, радикал, чоралар уларнинг жиноят ҳаётига жалб этилиши, айниқса “Ҳужум ” ҳаракатида йўл қўйилган шошма-шошарлик, хатолар жараёнининг “Ҳужум” ҳаракатининг бирдан-бир ижобий томони шундаки, мусулмон аёлларнинг ўз истедодлари ва салоҳиятларини намоён қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг иштирок этиш, таълим олиш имконини берди. Шу билан бирга “Ҳужум” ҳаракати зиддиятлари ва йўл қўйилган жиддий хатоларга, жисмоний ва маънавий йўқотишларга қарамасдан, ўзбек аёлининг жамиятдаги мавқеини оширишда муҳим тарихий босқич бўлди.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов .И.А. Хотин қизлар фаоллигини оширишдавр талаби. Ўзбекистон; 2005 йил.
2. Жўраева С. Хотин қизлар жамоат бирлашмалари ва хайрия фаолияти. Тошкент; 2006 йил.
3. Ўзбекистон тарихи муаллифлар гуруҳи. Шарқ;2004